ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА АЖДОДЛАРНИНГ ИБРАТЛИ АНЪАНАСИ 2-бет

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА – ИНСОН ТАҚДИРИ 3-бет

БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН 4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÜRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 12 сентябрь, сешанба, №100 (3296).



## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАХТ ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

**Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқини Оила куни билан табриклади.**

«Азиз ватандошлар!

Барчангизни Оила куни билан чин қалбимдан табриклайман!

Оила масъулияти, унинг қадриятларига нисбатан ҳурмат билан ёндошиш халқимизнинг эзгу фазилатларидан.

Қозоғистон – бахтли оилалар мамлакати. Шукрки, орамизда оиланинг асрий анъаналарини кўз қорачиғидек асраб, қадрлаб, эл-юрт корига ярайдиган фарзандларни тарбиялаётган ватандошларимиз жуда кўп.

Ёш авлоднинг оилада билим олиши, миллий қадриятларни сингдириши жуда муҳим.

«Ватан оиладан бошланади», деб бежиз айтилмаган. Анъанага ҳурмат ҳам, она юртга муҳаббат ҳам муқаддас оиладан бошланади. «Оила» институти «ҳалол фуқаро»нинг меҳнатсеварлик, билимлилик, интилиш каби фазилатларини жамиятда ҳар томонлама тараннум этиб, миллатнинг янги сифатини шакллантиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Баракали оила мамлакатимизнинг ҳар томонлама баркамол ва барқарор ривожланишининг мустаҳкам кафолатидир. Шу боис давлатимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, оилавий қадриятларни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳар бир оила фаровонлигини ошириш Адолатли Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги асосий вазифалардан биридир. Фарзандлари соғлом, хонадонлари тинч оилалар – жамият таянчидир.

Оиланинг тинчлиги, бахти, тўкислиги – мамлакат фаровонлиги, осойишталиги демакдир. Ҳамжиҳатлик ва бахт қўрғони мустаҳкам бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман!», дейилади Давлат раҳбарининг табригида.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

**Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Марракеш – Сафи минтақасида содир бўлган кучли зилзила оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Марокаш Қироли Муҳаммад VI га ҳамдардлик билдирди.**

«Бундай оғир дамда қайғуларингизга шерик бўлиб, бутун Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, шунингдек, қардош Марокаш халқига ҳамдардлик билдираман», дейилади шошилинчномада.

**Akorda.kz.**

## МАРОКАШДАГИ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА: ҚУРБОНЛАР СОНИ 2 МИНГДАН ОШДИ

**Марокаш Ички ишлар вазирлигининг сўнгги маълумотларига кўра, 2012 киши зилзила қурбони бўлган. 2059 нафари жабрланди, улардан 1404 одамнинг аҳволи оғир, дея хабар беради Kazinform BBCга таяниб.**

Марокаш жанубида, Марракешдан 70 чақирим узоқликда 6,8 магнитудали зилзила юз берди. 19 дақиқадан сўнг 4,9 магнитудали яна бир силкиниш кузатилди.

Марокаш Геофизика маркази Атлас тоғлари ҳудудида 7,2 магнитудали зилзила содир бўлганини маълум қилди.

Reuters агентлигининг Марракеш аҳолисига таяниб хабар беришича, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эски шаҳарда бир нечта бино қулаган.

## НЬЮ-ДЕҲЛИДА G20 САММИТИ ЎТДИ

**Иштирокчи давлатлар Африка иттифоқини «Катта йигирматалик»нинг доимий аъзоси сифатида тасдиқлади, шунингдек, якуний декларация бўйича келишувга эришди, дея хабар беради TASS.**

Саммитга G20 аъзоси бўлган барча давлатлар ва яна 9та давлат (Бангладеш, Миср, Испания, Маврикий, Нигерия, Нидерландия, БАА, Уммон ва Сингапур) раҳбарлари таклиф этилган.

Йиғилишнинг биринчи кунида Ҳиндистоннинг Африка Иттифоқини G20 доимий аъзоси сифатида тасдиқлаш таклифи, Украина масаласи, ғалла шартномаси бўйича музокаралар, экология ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**24.kz.**

Президент

## Қ. ТЎҚАЕВ: “ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ВА ЁШЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН”

**ПРЕЗИДЕНТ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ҚОЗОҒИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИ ҒАЛАБА БИЛАН ТАБРИКЛАДИ**

**Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон миллий терма жамоасини “Евро – 2024” чемпионати саралаш босқичи доирасида Шимолий Ирландия термасига қарши уйиндаги ёрқин ғалабаси билан табриклади.**



– Миллий терма жамоамизнинг Шимолий Ирландиянинг кучли терма жамоаси билан учрашувини қизиқиш билан кузатдим. Ўйин жуда қизиқарли ва шиддатли курашларга бой бўлди. Қозоғистонлик футболчилар рақиб жамоани 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, муносиб ғалабага эришди. Ғалаба билан табриклайман. Ажойиб маҳорат кўрсатдинглар. Элимиз хурсанд, – деди Қ. Тўқаев.

Ўз навбатида футбол бўйича Қозоғистон терма жамоаси сардори Асхат Тағиберген ҳам Президентга эътибор ва қўллаб-қувватлаш чоралари учун миннатдорчилик билдириб, жамоа номидан тўп совға қилди.

***

Давлат раҳбари “Астана ёшлари” ва бошқа ташкилотлар кўнгиллилари, алоҳида фуқаролар ва фаолларнинг ибратли фаолиятини таъкидлади. Ўйиндан сўнг улар стадионда қолиб, ўйингоҳни тозалашди.

“Футболчиларимиз ва ёшларимиз билан фахрланаман”, деб ёзди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

**Akorda.kz.**



## ТУРКИСТОНДА МЕБЕЛСОЗЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Туркистондаги «ASIA BREND» мебелсозлик корхонаси йилига 22 минг дона турли жиҳоз ишлаб чиқариш қувватига эга. Йиллик молиявий айланма – 1,1 млрд. тенге. 150 киши меҳнат қилаётган, замонавий технологиялардан фойдаланаётган корхона мебеллари нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларда ҳам харидоргир. Вилоят ҳокими тадбиркорга лойиҳа қувватини ошириб, экспорт устида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Дархан Сатибалди шу куни «IDEAL TURKESTAN» МЧБнинг салоҳияти билан танишди. Мебелсозлик фабрикасида 50 киши иш билан таъминланган. Бугунги кунда ушбу корхона маҳсулотларига ҳам талаб катта. Корхона жамоаси билан учрашувда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат дастурларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни жонлантириш юзасидан таклифлар тингланди.

Вилоятнинг мебелсозлик борасидаги салоҳиятини юксак баҳолаган минтақа раҳбари бу борадаги лойиҳаларни такомиллаштириш, экспорт ҳажмини ошириш муҳимлиги, барча таклифлар кўриб чиқилишини таъкидлади.

**Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Туркистон шаҳридаги бир қанча тадбиркорлик иншоотларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Тадбиркорлар билан якка тартибда суҳбатлашди, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иш ўринларини кўпайтириш, ташқи бозорга чиқиш бўйича уларнинг режа ва илтимосларини тинглади. Қандай кўмак зарурлигини сўраб, давлат дастурларини тушунтириб берди.**



**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ВИЛОЯТИМИЗ – СПОРТ ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБИ




**Астана шаҳрида Қозоғистон Республикасининг миллий спорт турлари бўйича фестивали якунланди. Спортнинг 12 турини ўз ичига олган мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан сараланган жамоалар иштирок этди.**



Туркистон вилояти жамоаси барча мусобақаларда умумжамоа рекордини янгилади. Шу билан бирга, тўғизқумалақ бўйича хотин-қизлар жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.

Умумий спорт турлари бўйича Туркистон вилояти 574 балл тўплаб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаб, фестиваль ғолиби бўлди ва чемпионлик унвонларини сақлаб қолди. 549 очко билан Астана терма жамоаси 2-ўринни эгаллаган бўлса, Жамбил вилояти 460 очко билан 3-ўринга сазовор бўлди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ҚОЗОҒИСТОН ҚОВУН-ТАРВУЗЛАРИ – ЕВРОПАГА

**Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат даромадлари қўмитаси полиз экинларининг Европага экспорт қилинаётганини маълум қилди.**



«Жорий йилнинг 7 ойида Қозоғистонга 8 911,1 минг долларга 43,5 минг тонна тарвуз ва қовун келтирилди. Уларнинг 34,0 минг тоннаси Ўзбекистондан 6 444,2 минг долларга, Эрондан 3,1 минг тоннаси 2 389,8 минг долларга, Тожикистондан 421,5 минг тоннаси 65,3 минг долларга харид қилинди.

(Давоми 4-бетда).

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ТУРКИСТОН: ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН ОРЗУ



**Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Туркистон шаҳридаги қатор муҳим лойиҳалар билан танишди, маҳаллалар аҳли билан суҳбатлашди. Шунингдек, масъуллар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида долзарб масалаларни муҳокама қилди.**

Туркистон шаҳрининг Октябрь Жарилғапов номли ўйингоҳидаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди шаҳар ораларкан, дастлаб ушбу ўйингоҳга ташриф буюриб, қурилиш ишлари билан танишди. Инсон учун ўз меҳнатлари самарасини кўриш, одамларга қувонч улашиш – катта бахт. Мамлакатимизда халқнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилишга қаратилган бундай хайрли ишлар жуда кўп.

2050 мухлисга мўлжалланган ўйингоҳ қурилиши ўтган йили бошланган. 2023 йил ноябрда фойдаланишга топширилади. Айни пайтда умумий қурилиш-монтаж ишлари 90 фоиз бажарилган. Муҳим спорт иншоотини сифатли барпо этишни топширган Дархан Сатибалди ўйингоҳ яқинидаги «Шауғар» шўъбаси аҳолиси билан учрашиб, уларнинг талаб ва истакларини тинглади. Учрашув иштирокчилари вилоят марказидаги ўзгаришларни ижобий баҳолаб, инфратузилмани яхшилаш борасида таклиф билдиришди. Вилоят раҳбари Туркистонни ривожлантириш босқичма-босқич давом эттирилишини маълум қилди.

– Бошқарма Туркистон инфратузилмасини яхшилаш, асфальтлаш ва бошқа ишларни давом эттиради. Туркистон беш йил ичида замонавийлаштирилди. Сайёҳлар сони ортди. Шаҳарда йўл қурилиши, оқава тизимини тартибга солиш, ободонлаштириш ишлари тўхтаб қолмайди, – деди Д. Сатибалди.

Сўнг вилоят ҳокими Тўлебий – С. Ерубаев кўчалари чорраҳасидаги автомобиллар тирбандлигини бартараф этишга қаратилган лойиҳа билан танишди. Туркистон шаҳар ҳокимлиги топшириғи билан "Техтронис-Строй" МЧБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳада йўл ҳаракати тартибга солиниб, аҳоли учун қулай шароитлар яратилади.

Д. Сатибалди «Жолаушы» МЧБ идорасига ташриф буюриб, янгиланган автопаркнинг фаолияти билан танишди. Корхона жамоаси билан ўтказилган йиғилишда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан вилоят ҳокимига таклиф ва илтимослар билдирилди.



1966 йилдан буён фаолият юритаётган мазкур корхона шаҳардаги 22та йўловчи ташиш йўналишининг 10тасида хизмат кўрсатади. Корхонада 200дан зиёд автобус бор. Лойиҳа орқали ҳар куни 30 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатилади. 2022 йилда 50та янги автобус харид қилинди, 2023 йилда 60та автобус харид қилиш режаланган ва улардан бир қанчаси олиб келинган. Бу борадаги ишлар давом эттирилади. 2025 йилда барча йўналишларни янги автобуслар билан таъминлаш кўзда тутилган. Автобуслар видеоназорат камералари ва кондиционерлар билан жиҳозланган. Шу билан бирга, йўл ҳақини тўлаш ҳам автоматлаштирилган.




**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Президент Мактуби – амал дастури

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА АЖДОДЛАРНИНГ ИБРАТЛИ АНЪАНАСИ

**Туркистон шаҳар ҳокимлиги прокуратура ва полиция бошқармаси билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясига бағишланган "Тарбияли ёшлар – хавфсиз жамият" мавзуида улкан анжуман ўтказди.**

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари, талабалар, мураббий-устозлар, оқсоқоллар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган тад-




бир аввалида саҳнада театр актёрлари ижросида тарихий шахслар – Аҳмад Яссавий, Абай Қунанбаев, Ахмет Байтурсинов, Иляс Жансугиров, Саттар Ерубаев, Бекзат Саттархановлар номидан ёшларга табаррук Туркистон, қадрдон Ватан олдидаги фуқаролик муқаддас бурчларини адо этишга даъват қилинди. Аждодлар анъанаси рамзий эстафетасини ёшлар вакили саҳнага чиқиб, эҳтиром ила қабул қилиб, олганида гулдурос қарсаклардан зал жунбушга келди.

Анжуманни табрик нутқи билан шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбеков очиб, ёшларга фақат меҳнат орқали келадиган омад ва зафарлар тилади. Вилоят маркази тартиб ва интизом борасида ўзга ҳудудларга ўрнак бўла олишига ишонч билдирди. Асосий урғу Абай Қунанбаев таълимотидаги адолатпарвар фуқаро мезонларига берилади. Ҳоким нутқидаги вазифалар прокурор Қ. Нариқбаев ва полиция бошқармаси бошлиғи Б. Жанаевнинг маърузаларида ўз тадрижий давомини топди.

"Туркистон – хавфсиз шаҳар" лойиҳаси 2019 йилдан буён муттасил амалга оширилмоқда. Барча мактабларда кузатув камералари ўрнатилган, шаҳар кўчаларига тунги чироқлар ўрнатилмоқда. Слайдларда қайд этилган маълумотларга кўра жиноят сони ва турлари аввалгига нисбатан кескин камайган. Лекин, шаҳарда рўй бераётган жиноятларнинг 61 фоиздан зиёди ёшлар томонидан содир этилаётганлиги ташвишлантиради. Ҳуқуқни бузиш ҳолатларининг 25 фоизи ярим кеча ва тонг оралиғида рўй беради. Йўқолган ва қидирув эълон қилинган 96 кишининг (90 нафари топилган) 64 нафари ўсмирлардир. Баъзи эркатой ёшлар тўқликка шўхлик оқибатида катталар измига бўйсунишдан бош тортиш, уйдан кетиб қолиш, ота-оналаридан ўч олиш учун қонунни қасддан бузиш ҳоллари учрайди.

Анжуманнинг ёш ва фахрий меҳмонлари – ҚР Парламенти депутати Р. Берденов, жамоат арбоби ва тадбиркор Ў. Сулейменов, шоир-таржимон А. Қал-





шабекнинг ёшларга мурожаатида бугунги кун фожиаси – бир неча юз минг ёшларни ўз домига илинтирган қиморбозлик, шу иллат натижасида рўй берадиган суицид ҳоллари камаймаётганлиги ҳақида айтилди. Тадбир поёнида вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси, "Жанубий Қозоғистон" газетасининг фаол жонкуяри Жарилқасин Азиретбергенов ёшларга мурожаат қилиб, анжуман иштирокчилари аждодлар анъанасини муносиб давом эттиришига ишонч билдирди, қўлларини дуога очиб, фотиҳа берди.

Эстрада юлдузлари ижросидаги ватанпарварлик концерти, хусусан, "Атамекен" қўшиғини барча тик туриб қарсаклар билан олқишлади. Аждодлар анъанасига содиқ бўлиш – бугунги ёшлар учун муқаддас бурч.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** тадбирдан лавҳалар.

**Муаллиф тасвирлари.**

# ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ



**Давлат раҳбари мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатнинг янги моделини шакллантиришга устувор аҳамият қаратмоқда.**

Президентнинг 1 сентябрда халққа йўллаган Мактубида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг тизимли дастаклари белгиланди. Юртбоши барчага тушунарли шаффоф, адолатли солиқ сиёсатини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала – сармоя жалб қилиш учун бизнес-шароит яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Шунингдек, кенг қамровли инфратузилмавий жўшқинлик орқали минтақалар равнақига ҳам янги суръат бағишлаш кўзланмоқда. Умуман олганда, Давлат раҳбари йўлга қўяётган сиёсат аҳоли фаровонлигини ошириш ва барчага тенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.

Таълим сифати, маданият, жамият онгининг шаккланиши сингари муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда йил сайин 400 мингдан зиёд чақалоқ дунёга келади. Адолатли фуқаро ва баркамол шахс бўлишнинг асоси болаликдан шаклланади. Демак, ёш авлоднинг хавфсиз ва бехавотир яшашини таъминлаш – бурчимиз. Президент болаларга нисбатан зўравонликка қарши жазони кучайтиришни талаб қилди.

Мамлакатимиздаги демографик юксалиш таълимга талабни кучайтиради. Шу сабабли, беш ёшдан ошган болаларга мўлжалланган «Келешек» ихтиёрий жамғармаси тизимини татбиқ этиш топширилди. «Бадастир мактаб» лойиҳаси доирасида 400га яқин мактаб барпо этилади. Бу – келажак авлодга янги технологиялар асосида чуқур илм эгаллашга имкон беради.

Шунингдек, «Миллий жамғарма» лойиҳаси йўлга қўйилди. Натижада, янги йилдан бошлаб болаларнинг ҳисоб-рақамига пул ўтказила бошланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Қозоғистон – бизнинг ягона Ватанимиз! Унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши ўзимизнинг қўлимизда. Боболаримиздан мерос қолган бепоён еримизни ҳимоя қилиш, равнақ топтириш – бизнинг муқаддас бурчимиз!

Давлат раҳбари белгилаб берган вазифаларни самарали амалга оширишга барчамиз масъулмиз!

**Зуппархон ЧОЛДОНОВ,**
**Туркистон вилоят**
**Жамоат кенгаши аъзоси.**

# "КАРВОНСАРОЙ"ДАГИ КЕНГАШ



**Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметов раҳбарлигида бирлашма ҳамда "Карвонсарой" мажмуаси фаоллари иштирокида ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг халққа Мактубида белгиланган вазифалар ўрганилди.**

Шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюпов, бирлашманинг хотин-қизлар кенгаши раисаси Муҳаббат Иброҳимова, ЎЭМБ раиси ўринбосари Замир Муҳаммаджонов, ҳисобчи Саидаҳмад Эргешовлар фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳужжат аҳамиятига тўхталдилар.

Вилоят ҳокими Д. Сатибалди фаоллар йиғилишида таъкидлаганидек, Туркистон шаҳрига махсус мақом бериладиган кун яқин. Кўпроқ ўқиш, ўрганиш, билиш – биз фуқароларнинг бурчимиздир.

**Абдумуталлиб УМАРОВ,**
**шаҳар ўзбек этномаданият**
**бирлашмаси раиси муовини,**
**Туркистон шаҳрининг**
**ибратли фуқароси.**

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.

**Д. АЮПОВ тасвири.**

**Давлат раҳбари «QazaqGaz» МК» ҲЖ бошқаруви раисини қабул қилди.**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА – ИНСОН ТАҚДИРИ

**«AMANAT» ПАРТИЯСИ ТЎЛЕБИЙ ТУМАН ФИЛИАЛИ ҲАР ОЙДА МУНТАЗАМ РАВИШДА ЖАМОАТ ҚАБУЛИ ЎТКАЗИШНИ АНЪАНАГА АЙЛАНТИРГАН**

**Мулоқот замирида одамлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, камчиликларини бартараф этиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларни ҳимоялаш каби эзгу мақсад-муддаолар мужассам. Навбатдаги қабулни туман маслаҳати депутати «AMANAT» партияси фракцияси аъзоси Е. Жабаев ўтказди.**




– Ҳар бир мурожаат ортида инсон турар экан, уларнинг таҳлилий кўрсаткичини жойлардаги аҳволнинг ёрқин кўзгуси деб биламиз, – деди депутат. – Шунинг учун бу масалага масъулият билан ёндошмоқдамиз.

Қабулда К. Асанов имконияти чекланган жиянига ногиронлик гуруҳи ололмаётганини айтиб, арз қилди. Депутат унга тиббий кўрикдан ўтказишига ёрдам бериб, масалани ўз назоратига олишини маълум қилди. Тадбиркорлар М. Жараров, М. Ибраев, А. Асланов ва бошқаларга банкдан насия олиб, фаолиятларини кенгайтиришларига амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди. Ишсиз Н. Есжановга ишга жойлашишида кўмак кўрсатиладиган бўлди.

Қозоғистондаги етакчи партияга нажот излаб келганларнинг аксарияти аввал турли идораларга боришган, бироқ улардан қониқарли жавоб олишолмаган. Хусусан, Н. Сарибаев, П. Асанова, Н. Байзақов хўжаликлардан ўзларига тегишли ер пайини ажратиб беришга кўмак сўрашса, А. Сарсенов ва Г. Асановалар давлат томонидан бериладиган имтиёзли нафақалардан маҳрум бўлиб қолганларини маълум қилишди. Бу камхарж оилага ҳомийлар томонидан кўмак беришга келишилди. А. Дуйсемуратов эса бир гуруҳ қўшнилари билан маҳаллада электр чироғи тез-тез ўчиб қолишидан шикоят қилиб келишибди.

Ўтган сафар жамоат қабулига Киелитас қишлоғидан келган А. Тўреханов ва А. Дурсунов мурожаат қилиб, қишлоққа сифатли интернет тармоғини тортишни сўрашган эди. Шу кунларда туман ҳокимлиги депутати Е. Жабаев ҳамда туман ҳокими ахборот ва давлат хизматлари мониторинги бўлими мудири А. Айнабаевлар назоратида Киелитас қишлоғида “Кселл” ҲЖ аҳолини интернет тармоғига улаш ишларини олиб бормоқда.

Е. Жабаев ҳузурига кўмак сўраб келган барча фуқароларга қонун доирасида ёрдам беришга ҳаракат қилди. Баъзи масалаларни шу ернинг ўзида ҳал этиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, бундай шикоятларни мутасадди идоралар раҳбарларига йўлларкан, мабодо, ижобий ҳал қилинмаса, партияга қайта мурожаат қилишга ҳақли экани эслатилди. Демак, мазкур партия ҳозир ҳақиқат изловчилар учун нажот қалъаси вазифасини ўтамоқда.

***

Тўлебий туман маслаҳати котиби Н. Қўйбағаров, Қўғали қишлоқ округи ҳокими Қ. Қипшақов ва жамоат фаоли Р. Ашетаев, Диханкўл қишлоғи бийи А. Абдихалиқов учрашиб, долзарб муаммоларни муҳокама қилишди. Учрашув давомида маслаҳат котиби қишлоқ бюджетини шакллантириш жараёни, маҳаллий ҳамжамиятлар йиғилишлари, уларнинг тегишли соҳадаги роли ва вазифалари ҳақида фикр алмашишди.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

# ВАТАНИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

**Туркистон вилоят “Жамоат тотувлиги” ДКК томонидан этник гуруҳлар зич жойлашган Сайрам туманидаги Оқсувкент ва Қорабулоқ қишлоқларида “Жамиятдаги этносиёсий вазият юзасидан аҳолининг кайфияти” мавзуида тадқиқот ишлари олиб борилди.**



Унинг натижалари муҳокамасига бағишланган учрашувда “Ижтимоий тотувлик” ДККнинг миллатлараро муносабатлар мониторинги ва ахборот-ташвиқот ишларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Ҳ. Исоқов, вилоят дин ишлари бошқармаси “Диний масалаларни ўрганиш маркази”нинг теолог мутахассиси Б. Абдрахманов, туман бош имоми А. Ўспанов, туман мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи ўринбосари Е. Табиров, оқсоқоллар ва оналар кенгаши аъзолари, этномаданият бирлашмалари раислари, медиаторлар, қишлоқ оқсоқоллари, фаол шахслар ва Ассамблея ёшлари иштирок этди.

– Биз истиқомат қилаётган бепоён қозоқ даштида асрлар давомида шаклланган урф-одатларимиз, бой маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз бугунгача етиб келган. Ватанимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун унинг ички бирлиги мустаҳкам бўлиши керак, – деди Ҳ. Исоқов.

Учрашувда иштирокчилар ўзаро фикр алмашиб, қизиқтирган саволларига соҳа мутахассисларидан жавоб олдилар.

**“Жанубий Қозоғистон” мухбири.**

Тарихнинг қора доғлари

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ...



**Туркистон шаҳридаги А. Яссавий номидаги ХҚТУнинг таниқли вакили, тарих фанлари доктори, профессор Хазретали Турсинов Тошкент сафари ҳақида шундай дейди:**

– Мустақилликка эришгач, нафақат Қозоғистонда, балки барча қардош республикаларда тарихий адолатни тиклаш борасида турли ислоҳотлар ўтказила бошланди. Хусусан, Қозоғистонда олимларнинг аралашуви билан собиқ КПСС тарихи, СССР тарихи ўрнига «Қозоғистон тарихи» фани пайдо бўлди. Шунингдек, Миллий тарих, Сиёсий қатағонлар ва очарчилик қурбонларини ёдга олиш йиллари ўтди. Айнан мана шу йиллардан бошлаб, мустабид тузумнинг жамиятимизга етказган озорлари, унинг қурбонларини ўрганишга, илмий тадқиқ қилишга йўл очилди, энг асосийси, айбсизлар оқлана бошлади, тарих олдидаги бурчларимиз адо этила бошланди. Қўшни Ўзбекистонда ҳам бу каби кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилиб, қатор тарихий қарорлар, ҳужжатлар қабулланди.

Биз иштирок этган суд мажлисида Ўзбекистон Олий суди Шўролар даврида “босмачи”ликда айбланиб, қатағон қилинган 240 кишига нисбатан бешта жиноят ишини қайта кўриб чиқди ва уларни оқлади. Ҳозир қўшни республикада бу каби суд жараёнлари тез-тез бўлиб турибди. Жумладан, 19 апрель куни ушбу мамлакат Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 1930-1931 йилларда қатағон қилинган 208 нафар фуқарога оид учта жиноят ишини кўриб чиқиб, уларнинг барчасини оқлаган эди. Ушбу шахслар Ўрта Осиё Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) Учлик Кенгашининг 1930-1931 йиллардаги қарорлари асосида отувга ва Сибирдаги лагерларга ҳукм қилинган эдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг махсус фармойиши билан тузилган ишчи гуруҳининг саъй-ҳаракатлари ва «Йўл харитаси» асосида бугунги кунда 900га яқин киши оқланиб, қариндош-уруғлари ота-боболарининг номлари абадийлаштирилишига гувоҳ бўлишди. Тарихчи олим сифатида қўшни давлатдаги ушбу воқеаларни зўр қувонч билан қарши оламан, негаки, бу хайрли тадбирлар бизнинг юртга ҳам бевосита тааллуқли. Масалан, 24 августда Ўзбекистон Олий суди ҳаётида катта янгилик рўй берди. Илк бор қозоғистонлик қурбонлар ҳам тилга олинди, номлари тикланди ва хотиралари абадийлаштирилди.

**– Улар кимлар, қайси вилоятда яшашган ва қайси айблар билан жазога тортилган?**

– Оқланганларга нисбатан 1929-1931 йилларда ҳозирги Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида “Совет ҳукуматига қарши қуролли қўзғолон ёки аксилинқилобий ҳаракатларни амалга оширган” деган айблар қўйилган. Улар Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР фуқаролари бўлган. Ёшлик чоғларида узоқ юртларга сургун қилинган ёки отишга ҳукм этилган шўрпешаналар, уларнинг турли тазйиқ-маломатларга учраган оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳақида гап борар экан, чуқур ҳаяжон ичра ўтирдик, кўз ёшларимизни тия олмадик. 1931 йил Қозоғистоннинг Каспий вилоятида яшаган ва қуролли тўда тузиб, гўшт режасини барбод қилишда ва шўро ҳукуматига қарши аксилинқилобий ҳаракатлар қилишда айбланган бовурларимизга нисбатан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди.

Ва оқланганларнинг рўйхати интернетда эълон қилинди (SPUTNIK). Улар 1932 йил 20 августдаги Учлик кенгашининг махсус қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 78-моддаси билан 3-5-10 йилга концлагерга сургун қилинган ёки орада вафот этиб, айблов моддаси олинмаган, иши ёпилмаган фуқаролар. Жумладан, РСФСР ЖКнинг 59-моддаси билан жазога тортилган қорақалпоғистонлик қозоқ бовурларимиз, Танга-Харам туманида яшаган тожик бовурларимиз, ҚССР фуқароларидан эса Каспий вилоятидаги Табин, Желай туманларида яшаган 70га яқин фуқароларимизнинг юзлари ёруғ бўлди.

Ҳа, йиллар ўтса-да, адолат қарор топди. Оқланганларнинг авлодлари кўзларида севинч ёшлари қалқиди.

**Н. МАВЛОНОВА.**

# БІРҚАТАР ШЕТЕЛДІК АЗАМАТТАРДЫ ЕМХАНАҒА ТІРКЕУ ЕРЕЖЕЛЕРІ ӨЗГЕРДІ

**15 қыркүйектен бастап алғашқы медициналық-санитарлық көмек көрсететін ұйымдарына еркін тіркелу бойынша жыл сайынғы науқан басталады. Биыл еңбек мигранттары – шетелдіктерді емханаға тіркеу ережелері өзгерді. Енді олар емханаға келісімшартпен немесе ЕРІКТІ медициналық сақтандырумен, сондай-ақ ЖҮКТЕЛГЕН медициналық сақтандыру шартымен барулары керек. Жаңа ережелер ағымдағы жылдың 14 тамызында күшіне енді.**

Еңбек заңнамасы және Халық денсаулығы мен денсаулық сақтау жүйесі туралы кодекске енгізілген өзгерістерге байланысты емханаларға тіркелу ережелері мен иммигранттарға медициналық көмек көрсету ережелері өзгерді. Бұйрықтарға енгізілген өзгерістер тек ЕАЭО-ға мүше елдердің (РФ, Беларусь, Қырғызстан, Армения) бірінің азаматтығы бар, ҚР-да уақытша тұратын шетелдіктерге – еңбек мигранттарына және олардың отбасы мүшелеріне (балалары мен жұбайларына) қатысты.

Жаңа қағидаларға сәйкес, бұл шетелдіктер емханаға ерікті медициналық шарт (ЕМС) немесе алғашқы медициналық-санитариялық және шұғыл стационарлық көмекке жүктелген медициналық сақтандыру шарты (ЖМС) негізінде тіркеледі. Кейін шарт жасасқан мерзімі өткен жағдайда медициналық ұйымнан автоматты түрде шығарылады.

Емханаға тіркелу үшін оның басшысының атына қазақ немесе орыс тілінде еркін түрде өтініш жазу қажет. Өтінішпен бірге жеке басын куәландыратын құжатты (немесе шетелдік паспортты), ЕМС немесе ЖМС шартын тапсырады. Олардың заңды өкілі өтініш берсе, отбасы мүшелерінің келісімі қоса берілуі керек. Өтініш беруші медициналық ұйымға өзі жүгіне алады немесе оны сақтандыру компаниясы жасайды. Тіркелуге болатын емханалардың тізімі шарттың қосымшасында (ЕМС немесе ЖМС) көрсетілуі тиіс.

**«Нұрлы Мед» медицина орталығы.**

Денсаулық – бірінші байлық

# «ЖАНДАУА» ЖӘНЕ МӘМС



**Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорының негізгі міндеттерінің бірі – пациенттің құқығын қорғау. МӘМС бойынша әркімнің дәрігермен емхананы еркін таңдауға құқығы бар. Қазақстанда жыл сайын 15 қыркүйектен 15 қарашаға дейін медициналық-санитариялық алғашқы көмек көрсететін медициналық ұйымдарға халықты еркін тіркеу науқаны жүргізіледі. Тіркеу немесе қайта бекіту кезінде емхананы тұрғындардың мекен-жайына жақын жерден таңдау ұсынылады.**

Кез келген денсаулық ұйымы алдына келіп тұрған науқаспен жақсы қарым-қатынас орнатуға міндетті.

МӘМС медициналық ұйымдармен келісім-шарт жасар алдында аккредиттеуден өткен ұйымдарға басымдық береді. МӘМС жүйесі туралы ақпаратты Қордың кері байланысының ресми арналары – 1414 байланыс орталығы, «QOLDAU 24/7» мобильді қосымшасы, WWW.FMS.KZ қордың сайты, TELEGRAMдағы SAQTANDYRYBOT, денсаулық сақтау министрінің блогі, денсаулық сақтау министрлігінің сайты, YOU TUBE каналы арқылы алуға болады.

Оңалту – физикалық факторларды пайдалануға негізделген және бұзылған функцияларды қалпына келтіру, сондай-ақ көптеген аурулардың алдын алу мақсатында оңалту бағдарламаларына біріктірілген медициналық қызметтердің жиынтығы. «Жандауа» медициналық орталығының базасында МӘМС жүйесі бойынша күндізгі стационар жағдайында әлеуметтік медициналық сақтандыру қоры аясында массаж әдістерін, омыртқаны дозаланған аппаратта созу, физиотерапия, емдік дене шынықтыру, кинезиотерапия көмегімен емдеумен оңалтуды тегін алуға болады. Біздің оңалту орталығымыз Түркістан қаласында неврологиялық, травмотология және вертеброгендік патологиясы бар науқастарға біліктік көмек көрсететін орталық. Орталықтың бір қабатты ғимараты мүгедектермен тірек-қимыл аппараты бұзылған науқастарды емге келіп-кетуі үшін ыңғайлы.

Орталықтың негізгі пациенттері – созылмалы аурулары бар адамдар, операциядан кейінгі пациенттер (қозғалыс функциясының бұзылуына байланысты), жарақаттан кейін гиподинамиямен ауыратын науқастар, дұрыс өмір салтын ұстанбайтын науқастар. “Жандауа”-да емделген науқастар дәрігерлердің қызметінен дән риза.

**Дамир МИСИРОВ,**
**“Жандауа” медицина орталығы” ЖШС-нің бас дәрігері**

**Суретте:** Д. Еркінұлы.

# СЫБАЙЛАС ЖЕМҚОРЛЫҚҚА ЖОЛ ЖОҚ!

**Қазіргі таңдағы өзекті мәселелердің бірі – қоғамдағы сыбайлас жемқорлық. Осы келеңсіз құбылыстың үдеп бара жатқаны ұрпақ тәрбиесіне зиян әкелетіні бәрімізді алаңдатады.**

Бұл мәселеге тереңірек үңілетін болсақ, сыбайлас жемқорлық ел болашағына, ұлттық қауіпсіздікке үлкен зиянын тигізеді. Яғни, осы келеңсіз құбылыспен күресу барша халықтың алдында тұрған ортақ мәселе екені айқын.

«Тура биде туған жоқ, туғанды биде иман жоқ» деп қара қылды қақ жарып, турасын айтып, әділдікке жүгінген қаймана халықтың ұрпағы бүгінгідей өз алдына ел болып, еңсесі биік дамыған мемлекеттердің қатарына жетуді көздеп отырған шақта сол адами қалып – парасат биігінен көрінуге тиіспіз.

**А. АЛПЫСБАЕВ,**
**Түркістан қаласы ТЖБ бастығының орынбасары, азаматтық қорғау подполковнигі.**

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Туркистон вилояти ва Сайрам туманининг фахрий фуқароси, меҳнат фахрийси, фаол жамоатчи

**Озод ҚЎРҒОН ўғли**нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан марҳумнинг дўсту ёрларига чуқур таъзия изҳор этади, ҳамдардлик билдиради.

Туркистон ва Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмалари, меҳнат фахрийси, Туркистон вилояти ва Сайрам туманининг фахрий фуқароси

**Озод СОТИБОЛДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

**Йил бошидан буён Туркия ва Қозоғистон ўртасидаги савдо айланмаси 3,6 миллиард долларга етди.**

Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни олдидан

*“Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”.*

**Абдулла ҚОДИРИЙ.**

# ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ – ОНА ТИЛИМ

Инсон зоти борки, туғилиб, тилга кирганда биринчи сўзини ўз она тилида айтади. Ҳарфларни бир-бирига улаб, сўз тузади. Ўз ҳоҳишини, фикрларини шу тилда тушунтиради ва ифодалайди.

Она тили онаси каби у билан ҳамиша ёнма-ён бўлади. Она тилимизнинг латофати, жозибаси, таъсир кучи-ю чексиз имкониятларини билмоқчи бўлсангиз, мунис оналаримиз аллаларини, минг йиллар оша келаётган халқ достонларимизни, ўлмас мақомларимизни, шеър-у ғазалларни, бахши-ю ҳофизларимиз куйлаган қўшиқларни ёки Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарини ёдга олиш кифоядир. Шунда бу тилнинг сеҳрли оламига тушиб қоласиз.

Тарихан бизга маълумки бирор давлатни бўйсундириш учун унинг халқини қириш эмас, тилидан, маънавиятидан маҳрум қилиш кифоя бўлган. Ўлкамиз турли мустамлакачиларни, жабру зулмларни, бошида қамчи ўйнатиб турган ёмонларни кўрди. Улар бизни маънавиятимиздан, айниқса, тилимиздан жудо қилмоқчи бўлди, лекин туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилимиз бу талатўпларидан эсон-омон чиқиб, жаҳон минбарларида янграмоқда. Вилоятимизда ҳар йили Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни кенг нишонланади ва халқаро байрамга айланади.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Бу булоқдан қанча қониб-қониб ичсанг, уни ардоқласанг арзийди. Шундай экан унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз ҳамдир.

**Дилбар ЗИЁМАТОВА,**
**ўқитувчи.**

# ҚОЗОҒИСТОН ҚОВУН-ТАРВУЗЛАРИ – ЕВРОПАГА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Қозоғистондан Мўғулистонга – 940,8 тонна (баҳоси 59,6 минг доллар), Латвияга – 574,2 тонна (218,3 минг доллар), Украинага – 716 тонна (467,6 минг доллар), Германияга – 252,3 тонна (125,5 минг доллар), Польшага – 271,3 тонна (261 минг доллар), Эстонияга эса 115,2 тонна (16,4 минг доллар)га полиз маҳсулотлари сотилган.

2022 йилнинг 7 ойига нисбатан экспорт 1,8 минг тоннага ошди», дейилади хабарда.

Умуман олганда, 2021-2022 йилларда Қозоғистонга хорижий давлатлардан 23 миллион 97,5 минг тонна (баҳоси 257,53 минг доллар) тарвуз ва қовун келтирилди.

«Шунингдек, Бразилия, Коста-Рика, Туркманистон, Хитой, Афғонистон, Покистон, Таиланд, Испания, Нидерландия каби мамлакатлардан тарвуз ва қовунлар келтирилади.

Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон тарвуз ва қовунлари МДҲ бозорларида узоқ вақтдан буён машҳур бўлиб келган, эндиликда Европага ҳам экспорт қилинмоқда. Хусусан, 2021-2022 йилларда Қозоғистондан умумий қиймати 2,2 миллион АҚШ долларига тенг 7,2 минг тонна тарвуз ва қовун экспорт қилинди», дейилади хабарда.

Экспортнинг асосий қисмини қовунлар ташкил этади. Икки йил ичида Латвияга 2,6 минг тонна 883,2 минг долларга, Украинага 2,2 минг тонна 739,3 минг долларга, Германияга 741,2 тонна 384,85 минг долларга, Польшага 114,6 тонна, 38,6 минг долларга экспорт қилинди. Бундан ташқари, Озарбайжон, Молдова, Ўзбекистон, Мўғулистон, Эстония каби давлатларга ҳам Қозоғистон қовунлари етказиб берилади.

**ҚР Молия вазирлиги.**

Президент Мактуби – амал дастури

# БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

*Қозоғистон иқтисодий тараққиётининг янги шакли мамлакатнинг рақобатбардош устуворликларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг меҳнат, капитал, захиралар, технология каби асосий омилларнинг имкониятларини юксак даражада очишга асосланган.*

*Янги иқтисодий сиёсат доирасида уни амалга ошириш учун узоқ муддатли мақсад қўйишни белгилаш амалиётидан воз кечамиз.*

*Мактубда белгиланган барча мажбуриятлар уч йил ичида бажарилиши керак. Энг мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун аниқ саналар белгиланади.*

**Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ.**
**“Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши”**



Сўнгги йилларда атроф-муҳитни покиза сақлаш, табиатга зиён-захмат етказмаслик, бордию бунга амал қилинмаса, тузатиб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келаётганлиги – бор гап. Олимларнинг аниқ ҳисоб-китобига қараганда, Ер бағридан қазиб, сўриб олинаётган табиий бойликлар адоқсиз, битмас-туганмас эмас, саноат, илмий-техник тафаккур шу зайлда ривожланиб борар экан, вақти-соати келиб, фойдали қазилмаларнинг ҳам таги кўриниб қолади.

Инсон фаолияти туфайли атмосферага миллиардлаб тонна заҳарли моддалар кўтарилар экан, бунинг саломатликка таъсирини ўйламаслик мумкин эмас. Инсоният табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда жиддий муаммолар куртак ёза бошлаганда янги минг йилликка кириб келди. Иқлимнинг ўзгариши, чиқиндиларнинг кўпайиши, сув захираларининг ифлосланиши тирикликнинг ўзига катта хавф солмоқда. Дунё экологик тизимнинг емирилиши билан тўқнаш келиб турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, экологик инқироз ҳудудларида инсоннинг умри умуммиллий даражадан 10-15 йилгача қисқариб бормоқда. Табиатни муҳофаза қилиш – давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири экани ойдинлашди. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтириши мумкин бўлган ёмон оқибатлари жиҳатидан ядро уруши ҳалокатидан кейинги ўрнида туради. Оқибатини ўйламай, табиат мувозанатига билиб-билмай аралашувлар атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида ниҳоятда ташвишли ҳолатни вужудга келтиради.

Оламдаги мавжудотларнинг хусусиятлари, сифатлари, таркиблари, синфлари ва ададлари баркамол ва уйғун этиб яратилган.

Бу ҳақда Қурънни Каримнинг «Фурқон» сурасида «Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди», деб айтган. Зеро, дунёдаги ҳар бир нарса – сув, тупроқ, ҳаво, тирик мавжудотлар ҳам Яратувчи томонидан муайян ўлчов билан, бир-бирига боғлиқ қилиб яратилган. Табиийки, бу мувофиқлик бузиладиган бўлса, тузатиб бўлмайдиган муаммолар келиб чиқиши мумкин. Инсон неъматларни қадрлаб, асраб-авайлаб, уларга зиён етказмай, мувозанатни бузмай истифода этмоғи лозим. Афсуски, бунга ҳар доим ҳам амал қилинмайди.

Муборак ҳадисларда айтилишича, озодалик, тозалик ва умуман покизалик имон белгиларидандир. Мамлакатда истиқомат қиладиган барча аҳоли ўз оила аъзолари билан биргаликда бу борадаги аждодларимиз удумларини давом эттиришлари хайрли ишлардан, деб ҳисоблайман.

Ота-боболаримиз атроф-муҳитни боғу роғга айлантирганлар, дов-дарахтлар ўтқазиб, дала-пайкалларни иҳоталаганлар, ариқлар қазилиб, шинам шийпонлар, ҳовузлар барпо этганлар, балиқларни урчитганлар, асаларилар боққанлар, гулзорлар бунёд этиб, атроф-муҳитни покизалаштирганлар. Гулҳовузлар бўйларида инсоннинг баҳри-дилини очганлар, умрларини зиёда қилганлар. Момоларимиз тонгнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлиб, кўча дарвозани биринчи бўлиб очган инсоннинг уйига баракa киришини айтганлар. Ҳовли, хонадонларни тоза сақлашга келин-у, неваралари ўргатганлар. Аждодларимизнинг экологик юксак дидларига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Сув муқаддас ҳаёт неъмати ҳисобланиб, уни булғашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаган. Кимки сувни ифлослантиргудай бўлса, маҳаллакўйнинг нафратига учраган, эл-юрт унинг таъзирини берган, кўпчилик олдида изза қилган. Бу ҳолат ўша киши томонидан яна такрорланса, уни маҳалладан ҳайдаб юборишгача борилган. Ҳозир бунинг акси. Ўзанда машина ювиш, унга ахлат ташлаш, завод-фабрикаларнинг зарарли чиқиндиларини оқизиш, қум, тош қазиб олиш одатий ҳолга айланди.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Мактубида таъкидлаганидек, барча неъматларнинг ўз ўрни, ўлчови бор. Ўз эҳтиёжларимизни, Ер ости, Ер усти бойликларимиздан тежаб-тергаб фойдаланишимиз, асраб-авайлашимиз, исроф қилмаслигимиз лозим. Табиатга зарар етказмаган ҳолда моддий ва маънавий бойликларни адолатли тақсимлашга, улардан ҳар томонлама оқилона фойдаланишга қулай имкониятлар яратиш зарур.

Экологик муаммолар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларга энди муҳим илмий тадқиқотлар ва амалий тадбирлар иншооти сифатида қаралаётганлиги айни муддаодир. Яшаш шароити учун экологик хавфсизликни таъминлаш ва одамлар соғлигини муҳофаза қилиш инсон манфаатлари учун жуда муҳим.

Ҳаёт бу соҳада фаоллик-ни, биргалашиб фаолият юритишни тақозо этади. Истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг бежирим, атроф-муҳитнинг озода бўлишига нима етсин? Инсонни доимо тоза бўлиб юришга чорловчи “Поклигинг – соғлигинг!» деган мақол даъватига ҳамиша амал қилайлик. Халқимизнинг «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин!» деган ҳикматли гапини унутмайлик.

Юртимизнинг обод бўлиши, гуллаб-яшнаши Президентимизнинг “Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши” Мактубида ниҳоятда чуқур маъноли ифодасини топган.

**Абдуғани БОБОЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

Жиноят ва жазо




**Ичкилик туфайли шайтон васвасасига учиб, турли хил жиноятларга қўл урган кимсалар орамизда учраб туради.**

Қуйидаги ҳикоямиз «қаҳрамони» Ҳамдам Расулов (исм-шарифи ўзгартирилган) ҳам ана шундайлар тоифасига киради. У ичкиликка берилиб, биринчи хотинидан ажрашган.

…Декабрнинг изғиринли кунларидан бири. Дилрабо билан учрашган Ҳамдам уни тушликка таклиф қилди.

Таом олиб келингач, Ҳамдам винодан қуйди-да, биттасини Дилрабога узатди:

– Мана бундан жиндек ичиб олсангиз, жонингизга оро киради.

– Йўқ, йўқ. Умримда ичмаганман.

– Ахир бу кони фойда-ку! Тиббиёт ҳам фикримни тасдиқлайди, – Ҳамдам шундай дея уни ичишга ундай бошлади.

Дилрабо noилож винодан хўплади-ю, ўқчиб юборди. «Ҳозир ўтиб кетади, мана ви ширинликдан олинг», деди йигит унга ғамхўрлик кўрсатиб.

Бироз суҳбатлашиб ўтиришди. Гап мавзуси айланиб, турмуш масаласига тақалгач, Ҳамдам бироз жим турди-да:

– Дилрабо, бир-биримизни анчадан бери синаб, учрашиб юрибмиз. Сизни жонимдан ортиқ кўришимни яхши биласиз, – деди секингина. Сўнг яна бир нима демоқчидай оғиз жуфтлади-ю, каловланиб, жим қолди.

Дилрабо қулоғим сизда, дегандай, кўзларини жовдиратиб, унга қараб турaркан, йигит сўзида давом этди:

– Анчадан буён сизга бир гапни айтмоқчи бўламан-у, сира уддасидан чиқолмайман. Нима десам экан? Хуллас, мен бир марта уйланганман. Фарзандим ҳам бор. Хотинимнинг суюқоёқлигини сезиб қолиб, ажрашганман, – деди қўққисдан.

Бу гапни эшитган Дилрабо баданига совуқ сув қуйилгандай, сесканиб кетди-да, жон ҳолатда:

– Унда мени шунча вақтдан бери алдаб юрган экансиз-да, – деди жаҳл билан.

– Алдаш ниятим бўлганида сизга ҳозир ўтмишим ҳақида очиқ-ойдин айтиб ўтирмасдим. Агар энди мен ҳақимда фикрингиз ўзгарган бўлса, унда ўзингиз биласиз.

Дилрабо чуқур хўрсинди:

– Сизни тушунмадим. Ахир бир умр бирга бўламиз деб, аҳдлашганмиз-ку. Мен-ку, сизни тушуниб турибман, аммо уйдагилар бунга қандай қарашаркан?

– Буёги ўзингизга боғлиқ. Агар мени ҳақиқатдан ёқтирсангиз, уйдагиларингизга ҳаммасини ётиғи билан тушунтирасиз-да!

Дилрабонинг ўйчан нигоҳлари ер чизди. У Ҳамдам билан хайрлашаркан, хаёлида минг бир ўй ғалаён қиларди.

Дастлаб Дилрабонинг уйидагилар унинг Ҳамдам билан турмуш қуришига тиш-тирноқлари билан қарши бўлишди. Аммо икки ёшнинг қарори қатъийлигини кўриб, ота-она ноилож тўйга розилик билдиришди. Куёв томонннинг тўй қилишга қурби етмаслиги боис, барча харажатларни келин томон гардани олди. Ҳаёти дастлаб бир текис ва осуда кечди. Кўп ўтмай, дунёга келган қизалоқ уларнинг бир-бирига бўлган кўнгил риштаорини янада мустаҳкамлади. Дилрабонинг ҳунари бўлганлиги боис, уй юмушларидан ортиб, чеварлик қилиб, пул топа бошлади. Аммо нима бўлди-ю, оила тинчлиги аста-секин бузилиб, издан чиқа бошлади. Тўғрироғи, тайинли бир ишнинг бошини тутмаган Ҳамдам эски ҳунарини «касб қилиб», кунора ичиб келадиган, жанжал кўтарадиган одат чиқарди. У бора-бора аёлининг топган пулига ҳам ароқ олиб ича бошлади.

Бир куни тун ярмидан оққанида ғирт маст бўлиб келган Ҳамдам эшикни зарб билан тепиб кирди. Ичкарида ухлаб ётган қизчаси чўчиб тушиб, чинқириб йиғлаб юборди. Дилрабо ўзини тутиб туролмади:

– Қачонгача маст бўлиб, сандирақлаб юрасиз. Узу-кун ичиб келиб, жанжал қилганингиз қилган. Оиламиздан файз-барака ҳам кўтарилди.

– Ие, ишлаб пул топмаганимни энди юзимга солаяпсанми-а?! Ўв, менга қара, сен ўз ҳоҳишинг билан менга теккансан. Энди ёқмай қолдимми? Агар бирга яшашни истамасанг, ана катта кўча, – деди бақириб.

Дилрабо ўзини ичкарига урди ва қизалоғини бағрига босганича тўйиб-тўйиб йиғлади. Уйига борай деса, отаонаси ўзинг севиб теккансан, деб юзига солиши аниқ. Бунинг устига онасининг соғлиги ҳам яхши эмас. Унинг сабр қилиб яшашдан ўзга чораси қолмаган эди.

Ҳаёт чархпалаги шу зайлда айланаверди. Дилрабонинг Яратгандан эрига инсоф тилашдан ўзга чораси қолмаганди. Афсуски, унинг оҳи тўрт девор ичидан ташқарига чиқмади. Шундай кунлардан бирида эри яна ичиб келиб, эски томошасини бошлади. Аёлнинг калтак зарбидан кўкармаган жойи қолмади. Ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, охири унинг ҳам жони халқумига келди. Индамай қизчасини олдида, отасиникига кетиб қолди. Ароқнинг кайфи тарқаб, ҳушига келган Ҳамдам ҳайҳотдек уйда ёлғиз ўзи қолганини кўриб, қилган ишидан пушаймон бўлди. Эртасига хотинини олиб келиш мақсадида қайнотасиникига йўл олди. Салим ака дастлаб, «Менга ичадиган куёвнинг кераги йўқ», деб, уни уйидан ҳайдаб чиқарди. Аммо Ҳамдам қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, бундан буён заҳри қотилни зинҳор қайта оғзига олмасликка сўз бергач, куёвини кечирди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Саратон поёнига етиб, ён-атроф хазонга бурканган кунларнинг бирида Дилрабо эрига юзланди:

– Дадаси, ота-онамнинг ҳолидан хабар олмаганимга ҳам анча бўлди. Уйга бориб келмоқчи эдим.

– Майли, ўзинг биласан...

Кун ярмидан оғди ҳамки, Дилрабодан ҳадеганда дарак бўлмади. Бир ўзи уйда сиқилиб кетган Ҳамдам хотинини олиб келиш баҳонасида кўчага чиқди. Йўл-йўлакай дўкондан бир шиша ароқ сотиб олди. Бироз айланиб юргач, кеч соат 20.00ларда Дилрабоfavнинг... Дилрабоникига кириб борди. Уйда ҳамма ўз юмуши билан овора. Қайнотаси қариндошининг уйини таъмирлашда ёрдам бериш учун чиқиб кетган экан. Кечки дастурхон ёзилгач, Ҳамдам олиб келган ароғини ўртага қўйди. Хотинининг қаршилигига қарамай, уни бир ўзи ичиб, маст бўлди.

– Дилрабо, юр уйга кетайлик. Кун ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Биласан, отанг ичганимни ёқтирмайди, бу аҳволимни кўриб, менга дашном бериши аниқ. У келмасдан кета қолайлик...

Дилрабо кўнмади. Эри у деди, хотини бу деди, икки орада даҳанаки жанжал бошланди. Ичкилик таъсирида ўзини бошқара олмаган Ҳамдамнинг стол устидаги пичоққа кўзи тушади ва уни қандай қўлига олди-ю, қандай Дилрабога ташланиб, унга кетма-кет зарба бера бошлади, билмай қолди. Дилрабо ерга йиқилгандагина ҳуши ўзига келди. Атрофга ажал-жаланг қилганча, ўзини ташқарига урди. Бақир-чақирдан хавотирланиб, ошхонага кирган Сарвиноз опасининг қонга беланиб ётганини кўриб, чинқириб юборди. Вақтида кўрсатилган ёрдам туфайли Дилрабонинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Туман судининг қора курсисида ўтирган Ҳамдам оқланиш мақсадида ичган пайтида ўзини бошқара олмаслигини, шу сабабли нима қилиб қўйганини англай олмаганини, хотинини ўлдириш нияти йўқлигини қайта-қайта такрорлади. Шуни инобатга олиб, унга енгиллик беришларини сўради. Аммо ҳар ким ўз қилмишига яраша жазосини олиши шарт. Одил суд ўз ҳукмини ўқиди. Жиноятчи ўз айбига яраша жазосини олди.

**Р. САБАЗОВ,**
**полиция хизмати фахрийси.**

**Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**
*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлебий* — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Қазиғурт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
*Сайрам* — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-701-257-36-97.
*Тулкибош* — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

*● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 55466. Адади – 12500 нусха.

Буюртма: 2274

**Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**